

**XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН
ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНинг ЎРГАНИЛИШИ**

Тугалов Бобур ЖДПИ Тарих
факультети ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 30-йилларида Туркистонда ташкил этилган археологик тадқиқотлар, рус зиёлиларининг ўлка моддий-маънавий маданияти тарихини ўрганишдаги хизматлари ёритилган. Бунда В.В.Григорьев, П.И.Лерх, Н.И.Веселовский, Н.П. Остроумов, В.Ф. Караваев, И.А. Кастане, Н. Ликошин, П.С. Скварцкий, Н.И.Березин, В.Г.Тизенгаузен, каби олимларнинг Туркистон тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси ҳақида қисқача маълумот берган.

Аннотация: В данной статье освещается заслуги русских интеллигентов, внесивших большой вклад по организации археологических исследований, изучение истории материальной и духовной культуры Туркестанского края во второй половине XIX и 30-годы XX века. Анализируется деятельность ученых занимавшихся изучением историей Туркестанского края, таких как В. В. Григорьева, П. И. Лерха, Н. И. Веселовского, Н. П. Остраумова, В. Ф. Караваева, И. А. Кастане, Н. Ликошина, П. С. Скварцкого, Н. И. Березина, В. Г. Тизенгаузена и др.

Annotation: This article covers the archeological research organized in Turkestan in the second half of the XIX - 30s of the XX century, the contribution of Russian intellectuals in the study of the history of material and spiritual culture of the region. Bunda VV Grigoriev, PI Lerkh, NI Veselovsky, NP Ostroumov, V.F. Караваев, И.А. Кастане, Н. Ликошин, П.С. Skvartsky, NI Berezin, VG Tizenhausen, gave a brief account of the contribution of such scholars to the study of the history of Turkestan.

Калит сўзлар: Туркистон хаваскорлари, Григорьев, П.И.Лерх, Н.И.Веселовский, Н.П. Остроумов, В.Ф. Караваев, И.А. Кастане, Н. Ликошин, П.С. Скварцкий, Н.И.Березин, В.Г.Тизенгаузен, Хўжабақиргансой.

Ключевые слова: туркестанские любители, Григорьев, П.И. Лерх, Н.И. Веселовский, Н.П. Остроумов, В.Ф. Караваев, И.А. Кастане, Н. Ликошин, П.С. Скварцкий, Н.И. Березин, В.Г. Тизенхаузен, Худжабакиргансой.

Keywords: Turkestan amateurs, Grigoriev, PI Lerkh, NI Veselovsky, NP Oстроумов, В.Ф. Караваев, И.А. Кастане, Н. Ликошин, П.С. Skvartsky, NI Berezin, VG Tizenhausen, Khujabakirgansoy.

Мамлакатимиз жаҳонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган бир пайтда, ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган тарихий, маданий воҳалар қадимиятини ўрганиш муҳим ижтимоий гуманитар фан соҳаларининг масалаларидан биридир. Давлатчилигимиз тарихига оид турли тилларда битилган, қадимги даврга оид тарихий асарлар, уларда қайд этилган воқеалар, йилномалар, келтирилган ҳужжатлар ва олиб борилган кенг қамровли археологик тадқиқотлар ўзбек халқи давлатчилиги, шаҳарсозлиги, моддий маданияти тарихи қадим ва узок тараққиёт йўлига эга эканлигини илмий асослайди.

Бизга маълумки, Ўрта Осиё халқлари моддий маданиятини ўрганиш, ўлка тарихига қизиқиши Россия империяси ўлкани забт этганидан сўнг кучайди.

Бу даврда В.В.Григорьев, Д.А.Хвольсон, П.И.Лерх, Н.И.Березин, В.Г.Тизенгаузен, Н.И.Веселовский, В.В.Радлов, В.Р.Розен каби шарқшунос, этнограф мутахассислар Туркистон ўлкасининг қадимияти, моддий ва маънавий маданияти тарихи, этнографияси билан шуғулланишни бошлишган.

Хусусан, Жиззах воҳасининг археология ёдгорликларини ўрганиш тарихини дастлабки босқичи П.И.Лерх фаолияти билан бошланади. 1867 йил сентябрь ойида Россия Археология Комиссияси топшириғи билан танишган, археолог П.И.Лерх Петербургдан Жиззахга Илонўтти дарасидаги ёзувларни ўқиши, ўрганиш учун келади. П.И.Лерх тадқиқотлари натижасида мармар лаҳжада форсча битилган турли даврга оид иккита тарихий матн аниқланади. Матннинг биринчиси Улуғбек Кўрагоннинг ҳижрийнинг 828 йилида Жетапар

юрти Мўгулистанга қилган ҳарбий юриши ва ундан муваффақият билан қайтиши ҳақида хабар берса, иккинчи битик Бухоро хони Абдуллахоннинг 1571 йилда Тошкент, Фарғона, Даҳти Қипчоқ сultonларининг кўп сонли, бирлашган шериги устидан қозонган ёрқин ғалабасидан ҳикоя қиласи.

1887 йил Н.П. Остроумов инқилобгача бўлган даврда илк бор тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда, илмий жиҳатдан археологик қазув методларига риоя қилинган изланишларни амалга оширган [Обельченко.С.215]. Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўгараги аъзолари томонидан Жиззах воҳасида олиб борилган изланишлар эса асосан эсдаликлар шаклида бўлиб, улар асосан мавжуд ёдгорликларни ёзиб олиш ва қайд этиш билан чекланган.

В.Ф. Караваев, И.А. Кастане, Н. Ликошин, П.С. Скварцкий каби ўлкашунослар ҳам у ёки бу мавзу доирасида Уструшонадаги ёдгорликлар ҳақида умумий маълумот тарзида тўхталиб ўтишган [Караваев В.Ф.Петербург,1914]. XX асрнинг 20- йилларигача бўлган давр Жиззах воҳасидаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш бўйича дастлабки қадамлар эди.

Рус миссияси таркибида Бухорога сафар қилган Л.Ф.Костенко Жиззах ва Чиноз ўртасида сақланиб қолган сардоба ва карвонсаройлар ўрнини аниқлайди. 1876 йилда А.П.Харошхин ҳам Туркистон ўлкасига тегишли мақолалар тўпламида ушбу ёдгорликлар ҳақида фикр юритади. 1918 йилга қадар фаолият кўрсатган Археология ҳаваскорларининг Туркистон тўгараги аъзоларининг баъзи бир илмий ишларида Чоч, Суғд ва Фарғона маданий воҳалари ёдгорликлари билан мазкур регион ёдгорликлари ўртасидаги умумий ўхшашлик ва баъзи бир алоқалар ҳақида, қисқача маълумотлар берилган. Кейинчалик, Мирзачўл сардобалари тарихини пухта ўрганган М.В.Массон “Буюк Ипак Йули” ёқасида жойлашган бу иморатлар савдо карвонлари учун сувлоқ ва дам олиш жойи вазифасини ўтаганлигини исботлаб берган.

А.П.Хорошхин ўзининг 1876 йилда ёзилган Туркистон ўлкасига оид мақолалар тўпламида тарихий ёдгорликларни қайд этиш баробарида тоғолди

дашт ва чўл ҳудудида яшовчи аҳолининг этнографияси ҳақида маълумот беради [Хорошхин А.П. 1876. С.398-402]. Шу билан бирга аҳолининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар негизида қишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, меҳнат қуроллари ҳақида маълумотлар берган.

1888 йилдаги Туркистонда амалга оширилган дастлабки қишлоқ аҳолисини рўйхатга олишга оид хужжатларда кўплаб маданий обьектлар қаторида Жizzах воҳасида яшаган аҳоли сони билан биргаликда, машғулотлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган [Сб. матер.1890.С.16]. Россия ҳукумати миссияси таркибида Бухорога сафар қилган Л.Ф. Костенко эса Жizzах ва Чиноз ўртасида сақланиб қолган сардоба ва карвонсаройлар ўрни, ундан аҳолининг машғулотлари ҳақида ёзиб қолдирган.

В.Ф. Караваев Мирзачўл чўлининг ўтмиши ва бугунги қундаги ҳолатига қизиқиб, бу ерда Россия империяси томонидан олиб борилган ўзлаштириш ишлари ва чўл ҳудудида яшовчи аҳоли ҳақида маълумотлар беради.[Караваев В.Ф.1914].

1893 йилдан бошлаб тадқиқотчи М. Вирский масъул муҳаррирлигидага Самарқанд вилояти статистика қўмитаси томонидан нашр этила бошланган тўпламларда Россия империяси маъмуриятининг турли вакиллари, олимлар, тадқиқотчиларнинг мақолалари, ҳисоботлари бериб борилган[Вирский Н.М.1912]. Рус тадқиқотчиси А. Шахназаровнинг 1908 йилда нашр этилган ўлка қишлоқ хўжалигига бағишланган 27 бобдан иборат асарида қорамол этиштириш, йилқичилик, қўйчилик, туячилик, ипакчилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги зааркунandalари ва уларга қарши кураш каби масалалар ёритилган [Шахназаров А.И.1912,С.512].

М.С.Андреев бошчилигидаги экспедиция Нурота тоғ тизмаси ва унга туташ Қизилқум чўлидаги аҳоли пунктлари ва чорвадорларнинг овулларида амалга оширилган [Андреев М. 1924. С.121-140]. И.И.Зарубин бошчилигидаги экспедиция эса Жizzах уездининг Фориш, Синтоб, Қаратош, Накрут, Боғдон, Тўсин волостларига уюштирилиб, анчагина статистик ҳамда этнографик

маълумотлар тўпланган [Зарубин И.1920.С.32]. М.Е. Массон томонидан Жиззах воҳасидаги сардобалар ўрганилади [Массон М.Е. 1935].

1917 йилгача Россия империяси томонида Ўрта Осиёдаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш учун биронта маҳсус илмий археологик экспедиция юборилмаган. 1918 йилга қадар фаолият кўрсатган ана шу тўгаракнинг қазув тадқиқотлари ҳам асосан, Чоч, Фарғона ва Сўғддаги ёдгорликлар билан боғлиқ эди. Уструшонада олиб борилган изланишлар эсдаликлар шаклида бўлиб, улар асосан мавжуд ёдгорликларни ёзиб олиш ва қайд этиш билан чекланган [Костенко Л.Ф. 1871.С.16-17]. XX асрнинг 20- йилларигача бўлган давр, Уструшонадаги тарихий ёдгорликлар моддий маданиятини ўрганиш бўйича дастлабки қадамлар эди.

Таниқли шарқшунос, археолог, академик В.В.Бартольд (1869-1930) ўзининг бутун илмий-ижодий фаолиятини Туркистон ўлкаси халқларининг тарихини ўрганишга бағишилаган.

XIX асрнинг 90-йиллари В.В.Бартольд ҳаётида ниҳоятда сермаҳсул йил бўлган эди. Бу даврда у ўзининг фундаментал илмий иши “Туркистон мўғуллар истилоси даврида”номли асарини яратади. 1900 йилда олим мазкур ишни факультетнинг илмий кенгашига магистр илмий даражасини олиш учун тақдим этади. Бироқ, ҳимоядан сўнг унга Шарқ тарихи бўйича фан доктори олий илмий даражаси берилади. Шарқ қўлёзмалари билан мукаммал танишиш ва жойларда археологик қазув ишларини ўтказиш учун В.В.Бартольд биринчи марта Ўрта Осиёга экспедициялар уюштиради. Хусусан, унинг раҳбарлигида 1893-1894 йилларда Россия ФА ва Санкт-Петербург университети томонидан, 1902 йилда Санкт-Петербург университети томонидан 1904, 1916 йилларда Ўрта ва шарқий Осиёни ўрганиш қўмитаси томонидан (Самарқандда археологик қазишмалар ўтказиш учун) маҳсус экспедициялар тузилиб Туркистон ўлкасига юборилган. Тошкент, Самарқанд, ясси шаҳарлари ва улар атрофида археологик қазув тадқиқотлари ўтказган. Натижада олим Туркистон ўлкасининг тарихи ўзи ўйлагандан ҳам қадимгт ва қизиқарли эканлигига амин бўлади.

Ушбу илмий сафарлар чоғида В.В.Бартольдда Туркистонда археология изланишлари билан мунтазам шуғулланувчи бир илмий муассаса тузиш ғояси туғилади. Айнан унинг ташаббуси, қўллаб-қувватлаши ҳамда Туркистон ўлкашунослари томонидан 1895 йилда Тошкент шаҳрида Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги тузилган эди. Ушбу тўгарак аъзолари, аввало қадимий шаҳар, қишлоқ харобаларини текшириб, дастлабки қазув ишларини олиб борганлар. Хусусан, Самарқанддаги Афросиёб, Бухородоги Пойкент, хўжанддаги Хўжабақиргансой ҳавзаси ёдгорликларида, Ўратепа яқинидаги маконларда, тошкент атрофидаги қадимий иншоотларда қазув тадқиқотлари ўtkазишган. Бундан ташқари тўгарак аъзолари қадимги осори-атиқалар, Шарқ қўлёзмалари, нумизматика ва этнографияга оид материалларни қайд қилиш, ҳисобга олиш билан шуғулланганлар. Тўгарак асосчиси В.В.Бартольддан ташқари бу ишларда М.С.Андреев, А.А.диваев, Н.С.Ликошин, Н.Г.Малицкий, Н.П.Остроумов, А.А.Семёнов ва бошқалар қатнашган. Тўгарак 1917 йил давлат тўнтаришидан сўнг тарқалиб кетган.

Шу тариқа Туркистон ўлкасини кенг кўламда археологик ва тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш ишлари Ғарб олимлари, хусусан рус тадқиқотчи олимлари томонидан кенг кўламда олиб борилди. Бу эса ўлка тарихига оид бўлган бир қанча бой маълумотларнинг олинишига ва илм-фанда янгиликларнинг очилишига сабаб бўлди. Мавжуд олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Туркистоннинг тарихи ва археологиясига оид кўплаб маълумотлар жамланди. Бу эса Туркистонда археология фанининг кейинги даврда ривож топишига олиб келди. Шу билан бирга минтақада маҳаллий археологлар қатлами ҳам шакллана бошлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии..
2. Кастанье И.А. Древности Ура-Тюбе и Шахристана //ПТКЛА. Год двенадцатый. Т.: 1915.
3. Скварский П.С. Несколько слов о древностях Шахристана // ПТКЛА.Т.: 1896.

4. Хорошхин А.П. Кызыл-кумский дневник // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – Спб., 1876.
 5. Хорошихин А.П. Сборник статей касающихся Туркестанского края // Спб., 1876..
 - 6.Сборник материалов для статиситки Самаркандской области. – Самарканد, 1890..
 - 7.Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. // Спб.,1871.
 - 8.Караваев В.Ф. Голодная степ въ ея прошлом и ностаящем.Статистіко – экономический очерк . – Спб.: Литографія Н.Л. Нарєкина, Петербург, 1914.
 - 9.Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканد,1912.
 - 10.Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – Спб., 1908.
 - 11.Андреев М. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921 г. // Изв. Туркестанского отдела Русского географического общества. Т. XVII. – Ташкент. – 1924.
 - 12.Зарубин И. Население Самаркандской области (Численность, этнографический состав и территориальное распределение). – Ленинград: Изд-во Акад. наук СССР, 1920. .
 - 13.Массон М.Е. Проблема изучения цистеры-сардоба. // Материалы Узкомстариса. –Т.: 1935. № 8.
- Сварский П.С. Несколько слов о древностиях Шахристана // ПТКЛА.Т.: 1896. – С. 44.